



ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ КУРАШНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУГУНГИ КУНДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

¹Sattorov Dilshod Yuldashevich

Yuridik fanlar nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Davlat Bojxona qo'mitasi, Bojxona instituti "Umumhuquqiy fanlar" kafedrası boshlig'i, E-mail: 8447@mail.ru

²Сатторов Дилшод Юлдашевич

Кандидат юридических наук, доцент Заведующий кафедрой «Общеправовые дисциплины» Таможенного института Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан, E-mail: 8447@mail.ru

³Sattorov Dilshod Yuldashevich

PhD in Law, Associate Professor Head of the Department "General Legal Disciplines" of the Customs Institute of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan, E-mail: 8447@mail.ru
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7992900>

ARTICLE INFO

Received: 26th May 2023

Accepted: 30th May 2023

Online: 31th May 2023

KEY WORDS

Халқаро ҳамкорлик, терроризм, қарши кураш, жиноятчилик, халқаро ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада терроризмга қарши курашишнинг шаклланиши, тарихий босқичлари ва бугунги кунда уни ривожлантириш масалалари очиб берилган. Муаллиф, мазкур соҳани шаклланишини тўртта тарихий босқичларга ажратган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Унга кўра, ҳар бир босқичда терроризмга қарши курашда жамият ва давлатлар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар, ҳолатлар, вазиятлар ва воқеалар ўрганилган. Мақолада берилган ҳар бир тарихий босқич якунида терроризмга қарши кураш масаласида халқаро ҳамкорликни амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Муаллиф томонидан терроризм тушунчасининг вужудга келиши, уни халқаро ҳамжамият томонидан жиноят сифатида тан олиниши, унга қарши кураш бўйича БМТ фаолияти ва террористик жиноятларни халқаро суд институтларининг юрисдикцияси сифатида тан олишга уринишлар каби масалалар ҳақида фикрларини ифода этган бўлиб, бу бўйича тегишли хулосалар келади.

Террорчилик ҳаракатининг халқаро тизими яратилиши унга қарши курашга бағишланган универсал ҳуқуқий базанинг шаклланишига олиб келди. Терроризмга қарши кураш эволюциясининг ҳар бир босқичида унинг тарихий хусусиятлари халқаро-ҳуқуқий аксилтеррор механизмларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига таъсир кўрсатди десак муболаға бўлмайди. Глобал террорчилик



тахдидининг сифати ва терроризмга қарши меъёрларнинг ривожланиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқ бир характерга эга эмас. Уларнинг ривожланишига, жумладан, халқаро ҳуқуқ тизимининг умумий ривожланиш даражаси ҳамда тарихий ва сиёсий омиллар мажмуаси ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, мазкур жараёнларни босқичларга бўлиб ўрганиш орқали терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий шаклланишидаги муаммолари ва ривожланиши тенденцияларини аниқ ажратиш олиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқичда (XIX – XXаср бошлари) терроризмга қарши ҳуқуқий кураш асосан тегишли миллий қонунларни қабул қилиш орқали амалга оширилди. Шу тарзда, 1878 йилда Германияда “социалистларга қарши истисно қонун” пайдо бўлди. Франция, Белгия, Буюк Британия, Швейцария, Испания, Италия ва Аргентинада портловчи моддаларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишни жазолашга қаратилган антианархистик ва махсус қонунлар қабул қилинди. 1901 йилда президент У.Маккинли ўлдирилганидан сўнг, Қўшма Штатлар анархистларнинг мамлакатга киришини тақиқловчи ва уларни депортация қилишга рухсат берувчи бир қатор федерал қонунларни ишлаб чиқди[1].

Терроризмга қарши курашда миллий-ҳуқуқий компонентнинг яққол устунлигига қарамай, ўша пайтда биринчи антитеррор халқаро ҳужжатлар пайдо бўла бошлади. 1898 йилда анархизмга қарши курашга бағишланган Рим халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Уни чақириш ташаббускори Россия эди, унинг иштирокчилари Европанинг энг йирик давлатлари: Германия, Австрия-Венгрия, Дания, Швеция, Норвегия ва бошқалар бўлган. Конференция давомида келишилган ва якуний Қарорда ифодаланган асосий масалалар анархистик террор актларига қарши курашда давлатларнинг полиция ҳамкорлиги ва анархистик жиноятчиларни экстрадиция қилишдан иборат эди. Кейинчалик ҳам шартномада иштирок этувчилар бир неча бор ўз иштирокларини тасдиқладилар ва бошқа давлатларни унга қўшилишга чақирдилар[2].

Г.Принципнинг террористик ҳаракатидан кейин 1914 йил 23 июлда Австрия-Венгрия империяси ҳукумати келгусида шу каби ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутувчи кўп томонлама шартнома тузиш ташаббуси билан чиқди. Вена мақсади давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузиш бўлган ташкилотларни тақиқлашни талаб қилиш; уларга барҳам беришда махсус полиция органларининг ҳамкорлигига келишиш; бундай гуруҳлар аъзоларига нисбатан очиқ суд ёрдами; портловчи моддалар ва қуролларни чегарадан олиб ўтишни рағбатлантиришга тўсқинлик қилиш ва бошқалардан иборат эди[3]. Ушбу ғоялар руҳан замонавий халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келар ҳамда хавфсиз дунёни яратишга, трансмиллий жиноий жамоаларнинг кўпайишига йўл қўймасликка қаратилган эди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан бу ташаббус ишлаб чиқилмай қолиб кетди.

Иккинчи босқичда (ўтган асрнинг 20-йиллари – 50-йилларнинг охири) терроризмга қарши кураш соҳасида илмий тадқиқотлар кучайиб борди. Уларнинг аксарият қисми Жиноят ҳуқуқи халқаро ассоциацияси (*Association internationale de droit penal*) фаолияти доирасида амалга оширилди. Бу ташкилот аниқ антикоммунистик ва антисовет йўналишига эга бўлиб, “совет терроризми”га қарши кураш масаласида Ғарб



давлатларининг позицияларини мувофиқлаштириш ва жиноят қонунчилигини бирлаштиришга кўпроқ эътибор қаратди[4]. Шунга қарамай, Ассоциация фаолияти доирасида терроризмга қарши кураш соҳасида халқаро ҳуқуқий кўрсатмалар яратиш учун ҳуқуқий асос тайёрлаган кўплаб ишлар амалга оширилди.

1920—30-йилларда халқаро ҳамжамият томонидан терроризмни халқаро жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олишга уринишлар бўлган. **Internationale de droit penal ассоциацияси** ўзининг кўп йиллик фаолиятини сарҳисоб қилиб, 1935 йилда Копенгаген конференциясига резолюция лойиҳасини таклиф қилди, унда терроризмнинг асосий белгилари қайд этилган: “Айрим қилмишлар давлат қонунчилигига мувофиқ қандай жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилишидан қатъи назар, ўта оғир жиноятлар сифатида жазоланиши зарур, агар бундай қилмишлар жамоат хавфи ёки даҳшат ҳолатини юзага келтирса, давлат органлари фаолиятига ўзгаришлар ёки тўсиқлар туғдирса ёки халқаро муносабатларни бузса, шу жумладан дунёга таҳдид солса...” [5].

Терроризмга қарши кураш масалалари бўйича Миллатлар Лигаси кун тартибида терроризмга қарши курашга бағишланган биринчи халқаро конвенцияни қабул қилишга уриниб кўрди. Миллатлар Лигаси Кенгаши Югославия қироли Александр I ва Франция ташқи ишлар вазири Луи Бартунинг ўлдирилиши билан яқунланган Марсел террор хуружига (1934 йил октябрь) муносабат билдирди, унда резолюцияда: “халқаро муносабатлар нормалари террорчилик фаолиятини қоралаш тўғрисидаги қонун ҳозирда етарли даражада аниқ эмаслиги ҳамда улар самарали халқаро ҳамкорликни кафолатламаслиги” таъкидланган[6].

Қарор асосида эксперт комиссияси (*CIRT*) тузилиб, унинг вазифаси сиёсий ва террористик мақсадларда содир этилган фитна ёки жиноятларга қарши жавобгарликни назарда тутувчи конвенцияни ишлаб чиқишдан иборат эди[7].

1937 йилда қабул қилинган “Терроризмнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида”ги Конвенция давлатлардан террорчилик ҳаракатларини жиноий жавобгарликка тортишни ва сиёсий жиноятлар учун экстрадицияни таъминлашни талаб қилади. Унинг 1-моддаси 1-бандида халқаро ҳуқуқнинг муҳим қонидаси белгилаб кўйилган: “ҳар бир давлат бошқа давлатга қарши қаратилган террорчилик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш ва бундай фаолиятдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мажбуриятини олади”[8].

Конвенцияда террорчилик жинояти мавзусига оид махсус қоидалар мавжуд эмас. Ушбу қисмда аниқликнинг йўқлиги, афтидан, сиёсий характердаги мулоҳазалар билан боғлиқ: бу нафақат хусусий шахсларнинг, балки давлатларнинг, хатти-ҳаракатларини террорчи деб тан олишга имкон берди[9]. Шартномада террорчилик фаолиятининг сабаблари кўрсатилмаган, хусусан, сиёсий ва иқтисодий мотивлар билан давлатга қарши содир этилган ҳаракатлар таърифга киритилган холос.

1937 йилги Конвенция терроризмга қарши курашда ўзаро халқаро ҳамкорликнинг бошланиши эди. Унинг қоидалари анча умумий ва сустр ишлаб чиқилган эди. Шунга қарамай, Конвенция терроризмга қарши халқаро-ҳуқуқий курашни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Б.Солнинг фикрича, ҳали кучга



кирмаган ушбу халқаро шартнома "...терроризмнинг асосий белгиларини аниқлаш ва ойдинлаштириш билан боғлиқ сиёсий низоларни кўрсатувчи" манба сифатида қизиқиш уйғотади[10].

И.Браунлининг фикрича, ратификация қилинмаган шартномани "умумий қабул қилинган меъёрларнинг далили" деб ҳисоблаш мумкин[11]. Афтидан, 1937 йилдаги "Терроризмнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида"ги Конвенция нормалари умумэътироф этилган тоифага киради. Буни мазкур халқаро шартномада ишлаб чиқилган терроризм тушунчаси узоқ вақт давомида халқаро терроризмга қарши кураш ҳужжатларида асосий таъриф бўлиб хизмат қилгани тасдиқлайди.

Мазкур босқичда терроризмга қарши халқаро-ҳуқуқий курашни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, терроризмнинг таърифини ишлаб чиқиш, унинг жиноий моҳиятини тан олиш, терроризмга қарши биргаликда, давлатлараро саъй-ҳаракатлар зарурлиги тўғрисида шаклланган халқаро позиция, террорчилик ҳаракатларига сиёсийлаштирилган баҳо бериш ва уларга нисбатан икки томонлама стандартларни қўллашга уриниш деб ҳисоблаш мумкин.

Учинчи босқич (ўтган асрнинг 60 – 90-йиллари бошлари) терроризмни жиноят деб ҳисоблайдиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан унинг айрим жиҳатлари ва шаклларида қарши курашишга бағишланган кўп томонлама шартномаларни ишлаб чиқиш бўйича фаол ҳаракат билан тавсифланади. Дунёда террорчилик хуружлари сонининг сезиларли даражада ошиши уларга қарши курашга қизиқишнинг ортишига олиб келди. Аввало, БМТ ва унинг ихтисослашган идораларининг терроризмга қарши кураш хусусиятига эга турли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш борасидаги фаолиятини қайд этсак бўлади.

Террорчилик хуружларининг турли шакллари тармоқ характерига эга бўлиб, террористик хатти-ҳаракатларнинг ҳар хил турларига бағишланган кўплаб конвенцияларнинг ишлаб чиқилишига олиб келди. Энг қадимги халқаро шартнома – "Самолёт бортида содир этилган жиноятлар тўғрисида"ги Токио конвенцияси 1963 йилга тўғри келади[12].

Кейинчалик "Ҳаво кемаларини ноқонуний олиб қўйиш тўғрисида" (1970), "Халқаро ҳимоядаги шахсларга қарши жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида" (1973), "Гаровга олишга қарши кураш тўғрисида" (1979), "Денгизда навигация хавфсизлигига қарши кураш тўғрисида" (1988)ги конвенциялар қабул қилинди. 60-йиллар – 90-йилларнинг бошларига келиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган идоралари терроризмга қарши кураш бўйича ҳуқуқий ҳужжат бўлган 10 та халқаро шартнома (8 та конвенция ва 2 та протокол) ишлаб чиқди. Уларнинг барчаси иштирокчиларни миллий қонунчиликда конвенция билан тақиқланган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилашга, шунингдек, давлатлараро муносабатлар амалиётига *aut dedere aut judicare* тамойилини жорий этишга мажбур қилади.

1972 йилдан бери БМТ Бош Ассамблеяси терроризмга қарши курашга бағишланган универсал ҳуқуқий базани яратишда иштирок этмоқда. Ўшандан бери



Ассамблея ушбу иллатга қарши чора кўришга чақирувчи резолюцияларни мунтазам равишда қабул қилиб келмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ташкил этилган турли форум ва конференциялар деярли ҳар доим ўз кун тартибига терроризмга қарши кураш масалаларини киритади. Масалан, 1993 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган Декларация ва Ҳаракат дастурида “барча кўриниш ва шаклдаги терроризм ҳаракатлари, усуллари ва амалиётлари ҳуқуқлар, асосий эркинликлар ва демократияни йўқ қилишга қаратилган, ҳудудий яхлитлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган фаолиятдир” деб таърифланган. Ҳозирги босқичда халқаро жиноий трибуналлар юрисдикцияси доирасида терроризмни жиноятга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Урушдан кейин БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан Инсоният ва тинчликка қарши жиноятлар кодексининг 3 хил лойиҳаси тайёрланди (1950 й., 1954 й., 1991 й.). Ҳар бир лойиҳада терроризм учун жавобгарлик масаласи мавжуд бўлган.

Ҳозирги босқичда терроризмга қарши халқаро-ҳуқуқий курашнинг ривожланишини сарҳисоб қилар эканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро антитеррор нормаларини яратишда фаол иштирок этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида террор ҳужумлари мунтазам равишда қораланади. Умумжаҳон антитеррор конвенциялари тизими эса шакллантирилмоқда. Иккинчидан, терроризмга қарши халқаро ҳуқуқий курашнинг ўзига хос модели мавжуд. Қоида тариқасида, барча ҳужжатлар аллақачон содир этилган террористик жиноятларга жавоб сифатида қабул қилинади. Учинчидан, барча аксилтеррор конвенциялари тармоқ характерида эга. Тўртинчидан, ҳозирги босқичда халқаро ҳамжамият терроризмнинг ҳуқуқий моҳияти ҳақида аниқ тушунчага эга эмаслиги диққатга сазовордир. Шу муносабат билан унга қарши курашиш бўйича ҳаракатлар дастури ҳозирча шакллантирилгани йўқ, унинг сабаблари ва шартларини аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмаяпти. Эътибор берилса, барча аниқланган ўзига хос хусусиятлар унинг ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳам намоён бўлади.

Тўртинчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари бошлари – ҳозирги давр), биринчи навбатда, терроризмга қарши кураш соҳасидаги кенг кўламли ва кўп қиррали тадбирлар билан ажралиб туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти терроризмга қарши кураш бўйича универсал конвенциялар ва уларга протоколларни қабул қилиш устида ишлашни давом эттирмоқда. Сўнгги бир неча йил ичида терроризмга қарши курашга бевосита дахлдор бўлган бир қанча халқаро шартномалар имзоланди[13]. Терроризмга қарши кураш учун ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги конвенция (2008-йил), Халқаро фуқаро авиациясига қарши ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (Пекин конвенцияси, 2010-йил), Ҳаво кемаларида содир этилган жиноятлар ва баъзи бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги конвенцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Протокол (Монреал, 2014)[14] кучга кириши учун зарур ратификация йиғиш босқичидадир. Бу келишувлар ё терроризмга қарши курашга қаратилган ёки давлатлараро ҳамкорликни оптимallasштиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган.



Терроризмга қарши курашда давлатлараро ҳамкорлик зарурлигини халқаро ҳамжамият яхши англаб етди. Охирги йигирма йил ичида давлатларнинг аксарияти террорга қарши кураш бўйича анъанавий чораларни кўриш мажбуриятини олди. БМТ Бош Ассамблеясининг Олтинчи кўмитасининг 2012 йилги ҳисоботида қайд этилганидек, “дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатлари терроризмга қарши кураш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига киритилган бўлиб, бу ушбу ҳужжатлар қоидаларини самарали амалга ошириш мақсадларига ёрдам беради”[15].

Ҳозирги босқичда БМТ Хавфсизлик Кенгаши терроризмга қарши курашни ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб терроризмга қарши фаолиятнинг турли жиҳатлари бўйича таъсирчан миқдордаги қарорлар қабул қилинди. Дастлаб, БМТ хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари терроризмнинг давлат шаклини тан олиш, йирик давлатларнинг ҳарбийлаштирилган халқаро ҳаракатлари учун ҳуқуқий шароитларни яратишда, масалан, Форс кўрфази ва Афғонистонда ифодаланган олдинги босқичга хос бўлган рецептларнинг сиёсийлаштирилганлигини сақлаб қолади. Кейинчалик, 2001-йил 11-сентябрь воқеаларидан сўнг, асосий эътибор терроризмни жиноят деб тан олишга қаратилди, “давлат терроризми” тушунчаси йўқолди, давлатнинг хатти-ҳаракатларига терроризмни қўллаб-қувватлаш ва унга шарт-шароит яратиш сифатидаги сиёсийлаштирилган, амалда мавжуд бўлмаган асосиз баҳолар берилди[16].

Ушбу босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг антитеррор фаолиятида иштирок этиш характери ўзгарди. Бош Ассамблея ўз резолюцияларида террорчилик ҳаракатларини декларатив қоралашдан, қарши чоралар тизимини яратиш бўйича амалий ҳаракатларга ўтмоқда. Ассамблея фаолиятининг муҳим натижаларидан бири 1994 йилда “Халқаро терроризмга барҳам бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги декларациянинг қабул қилиниши бўлди, бу декларация биринчи марта “халқаро терроризм” тушунчасини шакллантириб, кейинги универсал ва минтақавий аксилтеррор актлари учун аниқ асос яратди. 2006 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан терроризм таҳдидининг олдини олиш ва террористик жиноятларга қарши курашиш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган БМТнинг Терроризмга қарши глобал стратегияси қабул қилинди. 2008 ва 2010 йилларда Ассамблея Стратегия[17]нинг янги таҳрирларини қабул қилди.

Умумжаҳон аксилтеррор-ҳуқуқий механизмнинг ишлаши учун БМТ ваколатли органларни тузди. 1997 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ташаббуси билан терроризм бўйича махсус кўмита иш бошлади[[18]. 2000 йилга келиб кўмита фаолияти доирасида терроризмга қарши курашнинг турли жиҳатларига бағишланган универсал конвенцияларнинг амалдаги тизимини тўлдириш ва бирлаштириш учун мўлжалланган Халқаро терроризм тўғрисидаги кенг қамровли конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилди[19].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши ташаббуси билан давлатлар томонидан терроризмга қарши кураш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш учун бир қатор ёрдамчи органлар ташкил этилди.



Аналитик қўллаб-қувватлаш ва санкциялар мониторинги гуруҳи[20], Ал-Қоида ва Толибон қўмитаси, 1540 қўмитаси (экспертлар гуруҳи)[21] бундай тузилмаларга мисол бўла олади. Умумжаҳон аксилтеррор механизмининг энг муҳим элементи 11 сентябрь воқеаларидан кўп ўтмай БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ташкил этилган ва халқаро хавфсизлик ва терроризмга қарши кураш соҳасида давлатлараро фаолиятни умумий мониторинг ва мувофиқлаштиришни амалга оширувчи Террорга қарши кураш қўмитаси бўлди[22]. Умуман олганда, БМТ тизимидаги 40 дан ортиқ орган ва ташкилотлар[23] БМТ тизимида терроризмга қарши ваколатларга эга.

Терроризмга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, ижобий натижага эришиш шарти халқаро ташкилотлар ва давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатларидагина ўз аксини топиши мумкин[24]. Хавфсизлик Кенгашининг асосий аксилтеррор ҳужжати – 1373-сонли (2001) резолюциясида айнан давлатлар терроризмга қарши курашнинг асосий иштирокчилари эканлиги белгиланган. Масалан, давлатлар террорчиларни, шунингдек, уларга бошпана берган, ёрдам берган ва қўллаб-қувватлаганларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ Бош Ассамблеяси VI қўмитасининг маърузаларида БМТга аъзо давлатларнинг бу борадаги алоҳида роли бир неча бор таъкидланган[25]. Шундай қилиб, бугунги кунда террористик характердаги жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилиш, уларни содир этганлик учун айбдорларни жазолаш бўйича тадбирлар суверен давлат ваколатлари доирасида давом этмоқда.

Мазкур босқичда террористик жиноятларни халқаро суд институтларининг юрисдикцияси сифатида тан олишга уринишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Терроризмга қарши халқаро-ҳуқуқий курашни ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи таҳлилини яқунлар эканмиз, унинг энг муҳим хусусиятларини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ўрганилаётган юридик институтнинг ривожланишидаги давомийликни номлаб олсак. 60 – 90 йилларда белгилаб берилган муҳим хусусиятлар терроризмга қарши халқаро ҳуқуқий курашнинг ҳозирги босқичида ҳам намоён бўлмоқда. Иккинчидан, терроризмга қарши халқаро ҳуқуқий кураш нормаларини шакллантириш ва амалга оширишда БМТ ва унинг ташкилотларининг етакчи роли яққол намоён бўлди. БМТнинг ушбу соҳадаги асосий фаолияти терроризмга қарши курашнинг универсал ҳуқуқий моделини ишлаб чиқиш, миллий аксилтеррор қонунчилигини бирлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, хавфсизлик масалалари бўйича халқаро фаолиятни мониторинг қилиш ва глобал жиноятчиликка қарши курашишдан иборат. Учинчидан, халқаро минтақавий ташкилотлар терроризмга қарши курашда фаол иштирок этмоқда. Тўртинчидан, терроризмга қарши курашнинг халқаро институционал механизмини шакллантириш бошланмоқда. Бешинчидан, халқаро ҳамжамият терроризмнинг олдини олиш зарурлигини тушуниб, тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишга ҳаракат қилмоқда.

Шундай қилиб, хулоса қилар эканмиз, терроризмга қарши халқаро ҳуқуқий кураш ўз тарихининг барча босқичларида анъанавий равишда иккита асосий йўналишдаги фаолиятни ўз ичига олади: биринчидан, терроризмга қарши курашнинг аниқ масалалари бўйича давлатлараро шартномалар тузиш; иккинчидан, терроризмни (мустақил жиноят сифатида ё ҳарбий жиноят сифатида ёки инсониятга қарши жиноят



сифатида) таъқиб қилишнинг халқаро жинойй-ҳуқуқий механизмини яратишга бир неча марта уринишлар.

References:

1. B David C. Rapoport, 'The four waves of modern terrorism', in Steven M. Chermak and Joshua D. Freilich (eds), *Transnational Terrorism*, Farnham, Ashgate 2013, pp. 46– 73 at pp. 47 and 50.
2. Richard Jensen, 'Daggers, rifles and dynamite: anarchist terrorism in nineteenth century Europe', (2004) 16 *Terrorism and Political Violence* 116– 53, p. 120; Gus Martin, *Understanding Terrorism*, 3rd edn, SAGE Publications 2010, pp. 216.
3. Bettina Weißer. *Transnational Organized crime and Terrorism // International Law and Transnational Organized Crime*. Oxford, 2016. P. 84-85.
4. Zlataric B. *History of International Terrorism and its Legal Control // International Terrorism and Political Crimes*. Springfield: Charles Thomas, 1975. P. 474.
5. Saul B. *Defining Terrorism in International Law*. Oxford: Oxford University Press, 2006, P. 169.
6. LoN, Committee for the International Repression of Terrorism (CRIT), Geneva. 10 Apr. 1935, LoN Doc CRT1.// *Terrorism: documents of international and local control*. Dobbs Ferry, NY: Oceana Publications, 1979- C.1999. Vol. 1.
7. Survey of multilateral conventions which may be of relevance for the work of the International Law Commission on the topic «The obligation to extradite or prosecute (aut dedere aut judicare)». // *International Law Commission Sixty-second session Geneva, 3 May-4 June and 5 July-6 August 2010*. P. 12.
8. League of Nations. *Convention for the Prevention and Punishment of Terrorism*. Serie de Publications de la Societe des Nations. V. Questions juridiques. Geneva. 1937. Vol. 10. P. 2.
9. Умарханова, Дилдора. "Features of video conferencing as forms of mutual legal assistance in criminal matters." *Общество и инновации* 1.2 (2020): 291-299.
10. Saul B. *Defining Terrorism in International Law*. Oxford: Oxford University Press, 2006, P. 169.
11. Броунли Я. *Международное право (в двух книгах)*. Кн. первая. М.: Прогресс, 1977. С. 37.
12. Конвенция о преступлениях и некоторых других актах, совершаемых на борту воздушных судов от 14 сентября 1963 г. // *Сборник международных договоров СССР*. Вып. XLIV. М., 1990. С. 218
13. *Международная конвенция о борьбе с бомбовым терроризмом от 16 декабря 1997 г.* // *Собрание законодательства РФ*. 27 августа 2001 г. № 35. Ст. 3513; *Международная конвенция о борьбе с финансированием терроризма от 9 декабря 1999 г.* // *Собрание законодательства Российской Федерации*. 2003. № 12. Ст. 1059; *Международная конвенция о борьбе с актами ядерного терроризма от 13 апреля 2005 г.* // *Собрание законодательства РФ*. 18 августа 2008 г. № 33. Ст. 3819; *Поправка к Конвенции о физической защите ядерного материала от 8 июля 2005 г.* // *Собрание законодательства Российской Федерации*. 15 августа 2016 г. № 33. Ст. 5159; *Протокол*



2005 г. к Конвенции о борьбе с незаконными актами, направленными против безопасности морского судоходства (далее – Протокол к Конвенции 1988г.) [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/russian/terrorism/instruments.shtml>; Протокол 2005 г. к Протоколу о борьбе с незаконными актами, направленными против безопасности стационарных платформ, расположенных на континентальном шельфе. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/russian/terrorism/instruments.shtml>; Протокол, дополняющий конвенцию о борьбе с незаконным захватом воздушных судов от 10 сентября 2010 г. [Электронный ресурс] URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv2010.shtml.

14. Конвенция о взаимной правовой помощи и выдаче в целях борьбы с терроризмом от 16 мая 2008 г. [Электронный ресурс] URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions-/extradition_mutlegal_assist.shtml; Конвенция о борьбе с незаконными актами в отношении международной гражданской авиации от 10 сентября 2010 г. [Электронный ресурс] URL: http://www.conventions.ru/view_base.php?id=1067; Протокол, изменяющий Конвенцию о преступлениях и некоторых других актах, совершаемых на борту воздушных судов, совершенный в Монреале 4 апреля 2014 г. Doc 10034. [Электронный ресурс] URL: https://www.icao.int/secretariat/legal/Administrative%20Packages/Montreal%20Protocol%202014_RU.pdf.

15. Legal Committee Urges Conclusion Of Draft Comprehensive Convention On International Terrorism. 8 October 2012. Doc. GA/L/3433. Sixty-seventh General Assembly Sixth Committee 1st & 2nd Meetings (AM & PM). [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/News/Press/docs/2012/gal3433.doc.htm>.

16. Dildora, Umarchanova. "The legal regulation issues of transferring and acceptance of persons with mental disorders for compulsory treatment in the state of their citizenship." Asian Journal of Research № 2 (2018): 7-12.

17. Резолюция 60/288 Генеральной Ассамблеи ООН от 08 сентября 2006г. Doc. A/RES/60/288. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/60/288>; Резолюция 62/272 Генеральной Ассамблеи ООН от 15 сентября 2008г. Doc. A/RES/62/272. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/62/272>; Резолюция 64/297 Генеральной Ассамблеи ООН от 13 октября 2010г. Doc. A/RES/64/297. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/64/297>.

18. Резолюция 51/210 Генеральной Ассамблеи ООН от 16 января 1997г. Doc. A/RES/51/210. П. 9. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=A/RES/51/210>.

19. Draft comprehensive convention on international terrorism. The Ad Hoc Committee (established by General Assembly Resolution 51/210 of 17 December 1996) held its tenth session from 27 February to 3 March 2006 in order to continue to elaborate the draft comprehensive convention // Ad Hoc Committee Report, UN Doc. A/61/37.

20. Резолюция 1617 Совета Безопасности ООН от 29 июля 2005 г. Doc. S/RES/1617. Преамбула. [Электронный ресурс] URL: [http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=S/RES/1617\(2005\)](http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=S/RES/1617(2005)).



21. Резолюция 1267 Совета Безопасности ООН от 15 октября 1999 г. Doc. S/RES/1267. П. 6. [Электронный ресурс] URL: [http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=S/RES/1267\(1999\)](http://www.un.org/ru/documents/ods.asp?m=S/RES/1267(1999)).
22. Резолюция 1373 (2001). П. 6.
23. Доклад Генерального секретаря ООН. Потенциал системы Организации Объединенных Наций по оказанию государствам-членам поддержки в осуществлении Глобальной контртеррористической стратегии Организации Объединенных Наций. Doc. A/71/858. 3 April 2017. P. 4-6. [Электронный ресурс] URL: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N17/088/95/PDF/N1708895.pdf?OpenElement>
24. UMARKHANOVA, Dildora. "Жамият ва инновациялар–Общество и инновации–Society and innovations." (2020).
25. Доклад Шестого комитета. Меры по ликвидации международного терроризма. 19.11.2013. Doc. A/68/471. [Электронный ресурс] URL: <http://www.un.org/ru/terrorism/sixthcom.shtml>; Доклад Совета Безопасности. 1 августа 2010 года — 31 июля 2011 года. Дополнение № 2. Doc. A/66/2. P. 209 [Электронный ресурс] URL: [un.org/Оон/Генеральная ассамблея/.../sc/2011/a_66_2.pdf](http://www.un.org/ru/Оон/Генеральная%20ассамблея/.../sc/2011/a_66_2.pdf).